



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 17 июль, № 145 (7103) • Сешанба

Сайтимида ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда илмий ва илмий-техникавий фаолиятни амалга ошириш, илмий-техникавий ва инновацион ривожланишни таъминлаш учун қулай шарт-шароитларни яратишда мавжуд молиявий ва моддий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, 2014 — 2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағларидан илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмаларни молиялаштириш учун қарийб 800 миллиард сўм ажратилиб, уларнинг натижаларига қўра илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан 700 дан ортиқ ихтиро патентлаштирилди.

Шу билан бирга, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши мамлакат илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва илмий-техникавий фаолияти натижаларини тижоратлаштиришда мавжуд салоҳиятдан янада тўлиқ фойдаланиш заруратини тақозо этмоқда.

Бирок илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларидан амалда фойдаланишнинг таҳлили уларни яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва жорий этиш жараёнида тизимли муаммолар мавжудлигидан далолат бермоқда, хусусан:

Биринчидан, охириги 5 йил ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган

ва патентланган ихтиролар сонининг йилга 0,5 фоизини ташкил этувчи тижоратлаштириш даражаси етарли эмас;
Иккинчидан, чоп этилган илмий мақолалар ва яратилган интеллектуал мулк объектилари сони илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари бўлиб қолмоқда, бунда уларни жорий этиш натижалари ҳисобга олинмапти;

Учинчидан, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари уларнинг тасарруфидоги илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва илмий-техникавий фаолияти натижалари учун, шунингдек, илмий-техникавий дастурларга давлат маблағлари сарфлашининг самарадорлиги учун лозим даражада масъулиятни намоён этмапти;

Тўртинчидан, илмий тадқиқотларни молиялаштиришнинг, шу жумладан, илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмалар рўёбга чиқарилишида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари иштирокини рағбатлантиришнинг самарали воситалари жорий этилмаган;

Бешинчидан, амалдаги стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизими илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини ишлаб чиқаришга тезкорлик билан жорий этишни таъминламапти.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республикада ҳар йили аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича тасдиқланган дастурларни амалга ошириш, бўш ва квоталанган иш ўринларига ишга жойлаштириш механизмларини такомиллаштириш, ўзини ўзи банд қилишнинг самарали шакллари ривожлантириш борасида таъсирчан чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Аҳолининг ишчанлик фаоллигини ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантиришга, ижтимоий заиф қатламлар бандлигини таъминлашга, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти, сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шунга қарамай, ҳудудлардаги меҳнат бозорига ҳали-ҳамон юқори даражада кескинлик сақланиб қолмоқда, доимий иш ўринларини ташкил этиш, ёшлар, хотин-қизлар, кам таъминланган оилалар аъзолари бандлигини, айниқса, қишлоқ жойларда таъминлаш, шунингдек, ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш масалалари ҳал этилмапти.

Ишга жойлаштириш соҳасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун кредит, молиявий, маслаҳат-ахборот бериш хизматлари ва бошқа зарур хизматлар даражаси пастигича қолмоқда.

Ишлаб чиқариш кадрлари кўпинча иқтисодиёт тармоқларининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини, уларнинг имкониятлари ва ресурсларини ҳисобга олмаган ҳолда касбга тайёрланмоқда ва

қайта тайёрланмоқда. Оқибатда меҳнат бозорига айрим мутахассисликлар бўйича малакали кадрлар тақчиллиги кузатишмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича давлат органлари ишлари самарадорлигини ошириш, аҳолининг меҳнат фаолиятига жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга доир "Йўл харитаси" иловага мувофиқ маъқуллансин.

2. Белгилансинки: Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Бандликка қўмақлашиш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда Бандликка қўмақлашиш жамғармаси деб юритилади) учун 2018 йилда Республика бюджетига қўшимча тушувлар ҳисобига 150 миллиард сўм ажратилади, 2019 йилдан бошлаб эса бюджет параметрларида 300 миллиард сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча маблағлар ажратиш назарда тутилади;

(Давоми 2-бетда).



ДЕПУТАТЛАР МАМЛАКАТ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТУВЧИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг турли жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқди.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Даставвал Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг йиғилишлари ўтказилиб, уларда кўриб чиқилган қонун лойиҳалари муҳокама қилинган. Қонун лойиҳалари муҳокама қилиш натижалари бўйича уларни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилиб, тавсиялар берилган.

Депутатлар ўз ишларини янги таҳрирдаги «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқибдан бошлади. Таъкидланганидек, мамлакат иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларида бўлган каби божхонага оид қонун ҳужжатларини янада либераллаштириш, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида божхона расмийлаштирувчиларини содда-лаштириш, ташқи иқтисодий фаолиятни юритиш борасида сўнгги йилларда муҳим таркибий ўзгаришлар қилинмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан божхона органлари ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида қонунийлик, очиклик, шаффофлик ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашга қатъий риоя қилиш ишга доир нормалар белгилаб қўйилмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун божхона органлари ходимларининг жавобгарлигини ошириш, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларда шаффофлик ва очиклини таъминлаш ҳамда божхона ишлари ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиб, уларни амалиётга татбиқ этиш масалалари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши божхона органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари такомиллаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини самарали таъминлаш юзасидан қўшимча ҳуқуқий механизмларнинг жорий этилишига хизмат қилади.

Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси аъзоларидан иборат бир гуруҳ депутатлар томонидан ишлаб чиқилиб, муҳокамага киритилган «Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қайд этилишича, бугунги кунда кўмир, нефть, табиий газ ва уран каби қазилма бойликлар ҳақон энергетика балансининг асоси ҳисобланади. Бирок қазиб олиш ва фойдаланиш жараёнларида уларнинг захиралари йилдан-йилга камайиб бормоқда. Келгусида иқтисодиётнинг ривожланиши, аҳоли сонининг ўсиши ҳамда одатдаги энергия таъминоти бўлган энергия ресурсларидан фойдаланиш ҳажми йилдан-йилга ошиб бориши табиий. Ривожланган хорижий мамлакатларда таркиб топган амалиёт шуни кўрсатадики, углеводород хом ашёсининг танқислиги ва нархларининг барқарор эмаслиги боис бутун дунёда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга жиддий эътибор қаратишмоқда.

Мамлакатимизда ҳам сўнгги вақтларда мазкур йўналишда амалий ишларга киришиш мақсадида қатор чора-тадбирлар олиб боришмоқда. Шу нуктага назардан келиб чиқиб, депутатлар иқтисодиёт ва саноати жадал суръатлар билан ривожланаётган Ўзбекистонда ҳам ушбу соҳани ривож учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган қонуннинг яратилишини даврининг ўзи тақозо этаётганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 3-бетда).

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва халқ депутатлари Олмазор тумани Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Ташаббускорлик, амалий саъй-ҳаракатлар ва аҳоли фаровонлиги

Олмазор туманида 2018 — 2020 йилларда қарийб 100 миллион долларлик 50 та лойиҳа амалга оширилади.

Парламент ва ҳукумат аъзолари, мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган қўшма мажлисда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 29 июнь кўни Олмазор туманига ташрифи давомида белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан парламент ва жамоатчилик назоратини таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Давлатимиз раҳбарининг туман фаоллари билан ўтказилган йиғилишида берган топшириқлари ижроси юзасидан қўшма мажлисга тайёргарлик кўриш бўйича Олий Мажлис палаталари ҳамда Ҳукумат томонидан тегишли "Йўл хариталари" тасдиқланган эди. Уларга асосан, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тайёрланган тақдимотлар ва ахборотлар қўшма мажлис иштирокчиларига ҳавола этилди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари томонидан тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича барча даражадаги давлат ҳокимияти органлари зиммасига вазифалар юклатилди. Ўз навбатида, парламент, маҳаллий депутатлик корпуси ҳамда жамоат ташкилотларига мазкур масалалар ижроси юзасидан таъсирчан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш вазифаси топширилди.

Сўзга чиққанлар туманга инвестицияларни жалб этиш, кичик саноат зоналари фаолиятини самарали йўлга қўйиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Хусусан, ушбу йўналишда "Ўзлётхонаот", "Ўзтўқимачиликсаноат", "Ўзфармасаноат", Фармацевтика агентлиги зиммасига Олмазор туманида замонавий ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш вазифаси юклатилган. Унинг амалга оширилиши озиб янги иш ўринлари ташкил этилишига, пировадда ҳудуд ободлиги ва аҳоли турмуш фаровонлиги юксалишига хизмат қилиши мумкинлигини қайд этилди.

(Давоми 3-бетда).



ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ

Хорижлик сайёҳ ҳайрати

...Абдуҳолик Ғиждувоний қадамжоси яқинида "Ғиждувон халқ амалий санъати маркази" жойлашган. Бу масканга сайёҳларнинг келиши одатий ҳол. Германиялик меҳмон Бертольд Хейнкени ҳам шу ерда учратиб қолдик.

— Халқ амалий санъати дурдоналарини кўриб, ҳайратда қолдим, — дейди у. — Айниқса, сополдан ясалган буюмлар, улардаги нахшлар жилоси кишини лол этади. Таассуротларим бир олам. Узим олган суратлар-

ни интернет орқали Германиядаги дўстларимга юбордим. Улар "Сенга ҳамроҳ бўлмаганимиздан афсусланяпмиз" дея кўнғироқ қилишди. Келаси сафар дўстларимни ҳам қадимий Бухорога албатта бошлаб келаман.

(Давоми 4-бетда).

ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Фарғонада Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода бошчилигидаги ушбу мамлакат делегацияси билан учрашди. Унда икки давлат вазирлик ва идоралари, иқтисодий тузилмалари раҳбарлари иштирок этди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари, бўлажак олий даражадаги Ўзбекистон — Тожикистон учрашувига тайёргарлигининг бориши муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик халқларимизнинг узоқ мuddатли манфаатларига жавоб берадиган, Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик ва ички ривожланишни таъминлашда асосий омил бўладиган даражада кўтарилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

"Халқ сўзи" назоратида

Эски ҳаммом, эски тос

ёхуд Бўзсув каналининг аянчли аҳволи нима учун эътибордан четда қолмоқда?

"Халқ сўзи" газетасининг жорий йил 19 апрель сонида "Сувнинг уvoli ёмон" сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда Бўзсув канали сувининг тозаллигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ўртага ташланиб, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар мутасаддилари ҳамда кенг жамоатчилик эътиборини канал суви билан экологик вазиятни оғир аҳволга олиб келаятган омилини бартараф этишга қаратилган.

Мақола чоп этилганидан сўнг тезкорлик билан Тошкент вилояти ҳокими Ф. Ибрагимов раислигида видеоселектор йиғилиши ўтказилиб, кўтарилган муаммолар муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгилашди. Бу ҳақдаги ахборот газетамизнинг шу йил 25 апрель сонида эълон қилинди. Мана, орадан икки ойдан эътибор вақт ўтди. Ҳўш, муаммо газетадан кўтарилгандан сўнг нима ўзгарди?

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Маҳаллий илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмаларни жадал жорий этишни таъминлаш, мамлакат иқтисодийнинг рақобатбардошлигини кучайтиришда илм-фан ҳиссасини ошириш, шунингдек, илмий ва илмий-техникавий фаолиятнинг истиқболли маҳаллий ютуқларини илгари суришининг самарали механизмларини яратиш мақсадида:

1. Куйидагилар илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда муассасалар деб юритилади) илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш соҳасидаги асосий вазифалари этиб ҳисоблансин:

республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини жадал ва кенг жорий этиш;

фанлараро алоқаларни, шу жумладан, халқаро фанлараро алоқаларни шакллантириш жараёнини рағбатлантириш, қўша дастурлар ишлаб чиқиш ва жамоаларни яратиш;

илмий ва илмий-техникавий фаолиятни иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг аниқ вазифаларини ҳал этишга, шунингдек, ички ва ташқи бозорлар эҳтиёжларини қондиришга қаратилган амалий натижаларни олишга йўналтириш;

юқори технологияли ишлаб чиқаришларни яратишга хизмат қиладиган юқори технологияларни ишлаб чиқиш соҳасида инновацион тадқиқотларни олиб бориш;

тадқиқотларни мамлакатни илмий ривожлантириш бўйича замон талабларига жавоб берадиган, тижоратлаштириш даражаси юқори бўлган махсуслотлар ва технологияларни жадал ишлаб чиқишга йўналтириш.

2. Куйидагилар илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштиришнинг асосий усуллари этиб белгилансин:

илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларидан фойдаланган ҳолда яратилган товарларни (бажарилган ишларни, кўрсатилган хизматларни) реализация қилиш ёки ушбу натижалардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

тижорат ташкилотларини ташкил этиш, бунда уларнинг таъсисчиларидан бири устас фондига ҳисса сифатида интеллектуал мулк объекти ёки тайёр технологияни киритган муассаса (ёки ихтисослаштирилган аффилиланган ташкилот) ҳисобланади;

интеллектуал мулк объектига бўлган мулк ҳуқуқларини учинчи шахсларга ўтказиш ва мазкур объектлардан фойдаланиш ҳуқуқини лицензия шартномаларини тузиш орқали, шу жумладан, уларни кейинчалик ушбу ҳуқуқлар олувчиси томонидан тижоратлаштириш шарти билан бериш.

3. Вазирлик ва идоралар томонидан шартнома асосида харид қилиш орқали тижоратлаштириладиган ишланмалар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, иловада кўрсатилган ишланмаларни ўз вақтида тижоратлаштирмаганлиги ва сифатсиз тижоратлаштирилганлиги учун уларнинг жорий этишга жавоб берадиган шахсларга нисбатан уларнинг ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима шаклида интизомий жазо чоралари қўлланилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган параметрларини шакллантиришда "Илм-фан" моддаси бўйича ажратилаётган маблағлар доирасида, куйидагиларни амалга ошириш учун маблағларнинг камида 20 фоизи йўналтирилишини назарда тутсин:

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини, шу жумладан, давлат-хусусий илмий кластерларини яратишга, илмий-техникавий тадқиқотларни республика иқтисодиёти тармоқлари ва минтақалари эҳтиёжларига мослаштиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш;

илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштиришга, шу жумладан, бюджет маблағлари олувчиси фаолиятини тегишли маслаҳатчилар томонидан экспертизадан ўтказиш, қўллаб-қувватлаш, халқаро стандартларга мувофиқ бизнес-режаларни тайёрлашга грантлар ажратиш;

5. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академиясининг 2018 йил 1 октябрдан бошлаб куйидагиларга қўшимча бир марталик муқофотлар жорий этиш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин:

патентланган интеллектуал мулк объектига муаллифларига муассасанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорига;

муаллифлар ҳамда илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини ишлаб чиқиш ва тижоратлаштиришда иштирок этган илмий жамоага уларни тижоратлаштиришдан муассаса ҳисобига келиб тушаётган маблағларнинг тегишли равишда 40 ва 30 фоизи миқдорига.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар бўйича давлат илмий-техник дастурларини бажариш доирасида муассасалар томонидан яратилган илмий ва илмий-техникавий фаолият натижалари, давлат илмий-техник лойиҳалар ажратилгандан ва (ёки) улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан кейин тижоратлаштирилиши лозим, фундаментал тадқиқотлар натижалари, шунингдек, гуманитар ва ижтимоий фанлар соҳасидаги лойиҳалар бундан мустасно;

муассасаларнинг илмий кенгашлари ишлаб чиқариш сири (ноу-хау) ёки тижорат сири режимида илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг интеллектуал

(номоддий) натижасини қўриқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш учун мунтазам равишда инвестицияларни жалб қилишни таъминлаш масъулияти юклатилсин.

8. Ҳўжалик бошқаруви органлари ва йирик давлат корхоналарига самарасиз ва маънавий эскирган инфратузилmani алмаштириш, шунингдек, атроф-муҳитни ифлослантириш даражасини пасайтириш имконини берадиган янги техника ва экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш билан боғлиқ тадбирларни фаол молиялаштириш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги:

а) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда илгор хорижий тажриба ва миллий амалиётни ўрганishi натижалари асосида куйидагилар тасдиқланшини назарда тутувчи ҳуқуқат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан яратилган илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом;

тижорат сири режимида қўриқланадиган интеллектуал мулк объектларига, шу жумладан, патентлаш имкониятига эга бўлган техника ечимлар ва ишлаб чиқариш сирларига (ноу-хауларга) бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш ва бериш тўғрисидаги низом;

муаллифлар ҳамда илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини ишлаб чиқиш ва тижоратлаштиришда иштирок этган илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий жамоаларига қўшимча бир марталик муқофотларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низом;

б) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда илмий ва илмий-техникавий фаолиятнинг тижоратлаштирилган натижалари сонини асосий мезонлардан бири сифатида назарда тутган ҳолда муассасаларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонларини белгилаш бўйича тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда ишлаб чиқаришда жорий этишга тайёр илмий ва илмий-техникавий натижаларни тижоратлаштириш учун техник-иқтисодий асосларни тайёрлашда муассасаларга қўмаклашин.

10. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан яратилган интеллектуал мулк объекти бўйича ахборотнинг "Инновацияларнинг виртуал ярмаркаси" интерактив интернет-порталини янгилаш учун

доимий асосда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилишини таъминласин.

11. Белгилаб қўйилсинки: инновацион махсуслотларга доир давлат стандартлари Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг буюртмаларига мувофиқ давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳузуридаги стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар томонидан ишлаб чиқилади;

инновацион махсуслотларга доир давлат стандартлари истиқболда аънавий технологиялар имкониятларидан илгарилар кетадиган бошланғич талаблардан иборат бўлиши ва халқаро стандартларга ёки ривожланган хорижий мамлакатларнинг миллий стандартларига мос келиши лозим;

тажриба ва серияли ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида янги инновацион махсуслотларга давлат стандартларини рўйхатдан ўтказиш ва сертификатлар олишга қўлынган ҳаражатлар Инновацион ривожланиш ва новаторлик ҳўжларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўланади.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги муассасалар томонидан илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини хорижда тижоратлаштиришга, шунингдек, уларни халқаро бозорларда илгари суришга дипломатик воситалар орқали қўмаклашин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шаҳар (туман)лар ҳокимликлари ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги инновацион ҳўжлар, ишланмалар ва технологиялар марказлари билан биргаликда республика олимларининг илмий-амалий ва инновацион лойиҳалари ҳамда ишланмалари учун ҳўжалик юртувчи субъектларнинг буюртмалари портфелини шакллантирсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С. Р. Холмуродов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И. Ю. Абдурахманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 14 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

2018 йил 15 июлдан бошлаб Меҳнат органлари ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Меҳнатни рағбатлантириш жамғармаси) маблағларини шакллантириш манбалари Бандликка қўмаклашиш жамғармасининг Меҳнатни рағбатлантириш жамғармасига ажратмалари ҳажмларининг 5 фоиздан 10 фоизгача оширилиши ҳисобига кенгайтирилади;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларининг бўш қолдиқларини тижорат банкларидаги депозитларга жойлаштиришдан тушадиган 50 фоиз миқдордаги даромадлар Меҳнатни рағбатлантириш жамғармасига йўналтирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг давлат муассасалари шаклида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш ҳудудий жамғармаларини (кейинги ўринларда — ҳудудий жамғармалар) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

Куйидагилар ҳудудий жамғармалар маблағларини шакллантирувчи манбалар этиб белгилансин:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларининг прогноз параметрларини ошириб бажаришдан ҳар ойда тушадиган 40 фоизгача бўлган миқдордаги даромадлар;

маҳаллий, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари ҳамда бегараз ёрдами;

хайрия қилувчилар — jisмоний ва юридик шахслар, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларнинг белгиланган тартибда тақдим этиладиган маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Куйидагилар ҳудудий жамғармаларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

айниқса, қишлоқ жойларда доимий иш ўринлари ташкил этувчи тадбиркорлик субъектларини кредитлар билан қўллаб-қувватлаш учун республиканинг тижорат банкларида кредит линиялари очиш;

ишчи кучи қўп бўлган ҳудудларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида, айниқса, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари учун янги иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи корхоналарни ташкил этиш, бунда ҳудудий жамғармаларнинг ташкил этилган корхоналардаги улущини хусусий шерикларга кейинчалик реализация қилиш шартини назарда тутиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қарорлари бўйича иш ўринлари ташкил этишга ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

5. Ҳудудий жамғармалар даромад қисми бўйича барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилсин, бўшаб қолган маблағлар ҳудудий жамғармаларнинг асосий вазифаларини амалга оширишга йўналтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда ҳудудий жамғарманинг намунавий устави тасдиқлашини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда ҳудудий жамғармалар усталарини тасдиқланган намунавий устас асосида тасдиқласин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

а) ушбу қарорнинг 2 ва 3-бандларида мувофиқ шакллантириладиган Бандликка қўмаклашиш жамғармасига Республика бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг камида 50 фоизи ва ҳудудий жамғармаларнинг маблағлари, асосан, "Микрокредитбанк" АТБ, "Агробанк" АТБ ва Халқ банки АТБда кредит линияларини очиш ва кейинчалик мазкур банклар томонидан республика туманлари ва шаҳарларида янги иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи кичик ва мини-лойиҳаларни амалга ошириш учун микрокредитлар ажратиш мақсадида йўналтирилади;

б) микрокредитлар кичик тадбиркорлик субъектларига, фермер ва деҳқон ҳўжалиқларига, оилавий тадбиркорлик субъектларига куйидагилар учун ажратилади: шахсий томорқа ва деҳқон ҳўжалиқларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида иссиқхоналар ташкил этиш, уруғликлар, қўчлар, чорва моллари ва паррандалар, қишлоқ ҳўжалиги инвентари ва ускуналари, сўғориш мосламалари (насослар, артезиан қудуқлари ва бошқалар) харид қилиш;

қишлоқ ҳўжалиги махсуслотларини қайта ишлаш, сақлаш ва қадоклаш, қурилиш материаллари, озик-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун замонавий мини-ускуна ва хом ашё харид қилиш; хизмат кўрсатиш соҳасида, айниқса, маиший, таъмирлаш, таълим, тиббий, ахборот-коммуникация ва бошқа талаб юқори бўлган соҳаларда фаолият кўрсатадиган корхоналар ташкил этиш ва жиҳозлаш;

қишлоқ туманларида, айниқса, хотин-қизлар ўртасида касаначиликни ривожлантириш;

туман ва шаҳарларнинг ишлаб чиқариш ихтисослашуви, мавжуд минерал хом ашё, ёр, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа ресурсларни ҳисобга олган ҳолда бошқа йўналишлар;

в) микрокредитлар энг кам иш ҳақининг 500 бараваригача бўлган миқдорда 3 йиллик муддатга, 6 ойлик имтиёзли давр билан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдоридagi фoиз ставкаси, шу жумладан, тижорат банкнинг ажратиладиган кредит ставкасининг 50 фоизи миқдоридagi маржа билан тақдим этилади.

Бунда микрокредитлар аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказларидан рўйхатга олинган ишсиз шахсларга, меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларга, турмушда оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, кам таъминланган оилаларнинг аъзоларига ва аҳолининг бошқа ижтимоий

эҳтиёжманд қатламларига гаров таъминотисиз энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдоридан ошмаган ҳажмда ажратилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур банднинг "в" кичик банди иккинчи хатбошида назарда тутилган микрокредитларини ажратиш тартибини тасдиқласин.

7. Белгилансинки:

қишлоқ туманларида, бундан аҳоли сони 5 минг кишидан кўп бўлган аҳоли пунктлари мустасно, сартарошхона хизматларини, яқна тартибдаги буюртмалар бўйича кийим тикиш хизматларини, пойабзал таъмирлаш хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни ташкил этган, шунингдек, жамоат ҳаммомларини ташкил этган яқна тартибдаги тадбиркорлар 2023 йил 1 июлгача барча турдаги солиқлар тўлашдан озод этилади;

яқна тартибдаги тадбиркорлар ҳар бир ёлланган ходимга тўланадиган қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод этилади;

юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик субъектлари 3 нафаргача доимий ишчиларни ёллашга, улар билан меҳнат шартномаси тузишга, шунингдек, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган бошқа яқин қариндошларини, шу жумладан, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган болалари ва невараларининг эр-хотинларини, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган ака-укаларини ва опа-сингилларини, уларнинг эр-хотинларини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик субъекти иштирокчилари сифатида жалб қилишга ҳақли;

ушбу қарорнинг 6-бандига мувофиқ биринчи марта микрокредит олган яқна тартибдаги тадбиркорлар уни олган санадан бошлаб 6 ой мобайнида қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилади;

яқна тартибдаги тадбиркорлар 3 тоннадан ортиқ юк кўтарувчи автомобиль транспортда юкларни энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдоридagi ставка бўйича ташиш хизматларидан ҳар ойда олинмаган қатъий белгиланган солиқ тўлайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги 2018 йил 1 августдан бошлаб Бандликка қўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига куйидагиларга бир марталик субсидиялар берилишини назарда тутадиган ишсизлик бўйича сўғурталаш тизимини жорий этисин:

аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказларида рўйхатдан ўтган ва тадбиркорлик фаолиятини бошлашни хоҳловчи ишсиз шахсларга яқна тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳаражатларни энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорига тўлаш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламларига мансуб шахсларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни захирадан (квоталанган) энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга — ҳар бир қабул қилинган ишга қабул қилган энг кам иш ҳақининг 2 баравари ходим учун ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорига тўлаш. Бунда ишга қабул қилинган мазкур

тоифадаги шахсларнинг бандлигини энг кам сон (квота) ошган санадан бошлаб камида 12 ой давомида сақлаш шарти назарда тутилади;

иш берувчиларга — аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказларининг йўлланмаси бўйича ишга қабул қилинган аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламларига мансуб ходимларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни касбга қайта ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишга сарфланадиган ҳаражатларни молиялаштиришга ҳар бир ходим учун энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорига тўлаш.

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказларида рўйхатдан ўтган ишсиз шахсларни, айниқса, кам таъминланган оилаларда яшовчи хотин-қизларни касбга қайта ўқитишга сарфланадиган ҳаражатларни молиялаштириш учун Бандликка қўмаклашиш жамғармасидан касб-ҳунар таълими муассасаларига грантлар ажратилишини;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида катта синф ўқувчилари учун улар эгаллашни хоҳлаган касбларнинг асосий хусусиятлари ва касб стандартларини таърифловчи мультимедиа воситалари билан жиҳозланган ситуация хоналарини ташкил этган ҳолда касбга йўналтириш курсларини ўтказишни назарда тутадиган касбга йўналтириш дастурини жорий этиш масаласи ишлаб чиқилишини;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг тасдиқловчи маълумотлари ва фуқароларнинг аризалари асосида шахсий томорқа ҳўжалиқларида ишловчи фуқароларнинг банд бўлган шахс сифатида ҳисобга олиш механизми жорий этилишини;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари орасида, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Бош вазир ўринбосари — Ўзбекистон Республикасининг бош вазири Ж. А. Қўқоров ва Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Ш. Д. Куддобиёв зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 14 июль

Эҳтиром

БАРЧАНИ ЗИЁГА ЧОРЛАГАН ОҚИН

Президентимизнинг 2018 йил 13 мартдаги "Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида"ги қарори нафақат ўзбек халқининг, балки барча туркий халқларнинг қалбига гурур бағишлади.

Буюк маърифатпарвар шоир ва мутафаккир, халқлар дўстлигининг оташин куйчиси, қозоқ шоири Абай (Иброҳим Қўнонбоев)нинг инсонпарварлик, эзгулик ҳамда ҳақиқатга йўрлган ғояларини кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш қозоқ адабиёти ва маънавияти билан халқимизни янада яқинроқ таништиришга хизмат қилади.

Тарихдан маълумки, адиб йирки сармадор, бой оилада туғилган. Унинг отаси Қўнонбой, бобоси Ўскенбой, Ўскенбойнинг отаси Иргизбой ҳам катта бой ўтган. Шоир ўз асарларида отасининг жуда баджаҳл эканлигини таъкидлайди. Шундай бўлишига қарамай, Абай чинакам зиёли инсон бўлиб етишди, ўз асарлари билан халқни эзгуликка, маърифатга чорлади. Уша давр "улуғлари"га қарши чиқса-да, таълим-тарбия ҳақидаги эски тушунчаларга барҳам беришга ҳаракат қилди ва бунга қисман эришди ҳам.

Қозоқ адабиётининг асосчиси, шоир ва оқин, бастакор Абайнинг ҳаёти, адабий мероси ана шундай ўзига хосдир. Шоир бир ўланида:

Сўз боши аввал ҳадис, оят бўлур Шираси ҳам маъносини ғоят бўлур, — деб сўз илми ва адабиётнинг ижти-

мой аҳамияти ҳақида қайғуриб байтлар яратган бўлса, яна бир шеърда:

Улан кўп, турсиз ўлан тегди жонга, Ёлгон гап тўлиб кетди бу жаҳонга. Оқинларга ялинаман, ақлга кир, Асл сўз, сайлаб сўзла ёш инсонга, —

дея зиёлиларни ёшлар тарбиясига янада масъулиятли бўлишга ундайди. Абай ўз "Насихатлар"ида "ўрганлаётган илм-хунарни охир бир кун келиб бирон кори-ҳолимга яраб қолар, деб ўрганмасдан, ҳаётда уни турмушга тадбиқ қилиш мақсадида ўрганмоқ керак. Чунки илми фақат билиб қўйиш учунгина ўргансанг ва шу билан қаноат ҳосил қилсанг, бундай илмнинг кимга кераги бор? Киши ўзининг билимга нарсасини билиб ўрганса — бундан қанчалик хузур-ҳаловат топишини асти қўяверинг!", дейди. У бу фикрлар орқали ҳар бир ишни юракдан бажариш лозимлигини, зиёли инсон ўз билимларини, хунарини жамият тараққиёти йўлида ишлатиши зарурлигини таъкидлайди.

Мутафаккир ижодиди ёшлар тарбияси, ахиллик ва тинчликни қадрлаш, дўстликни асраш, яхшилик ва эзгулик соғиниб яшаш ғоялари тараннум этил-

ган яна кўплаб ўланлар, насрий асарлар учрайди.

Президентимиз қароридан келиб чиқиб, буюк қозоқ шоири, мутафаккири Абай Қўнонбоевнинг бетақорро ижодий ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, туманимиздаги таълим муассасаларида ёзги таътил давомида ҳамда янги ўқув йилида ўқувчилар ўртасида адиб ижодига бағишлаб иншолар танлови, шоир шеърини юзасидан мушоира, "Абай асарлари билимдони" интеллектуал мусобақаси, адиб басталаган куй ва яратган қўшиқлари ижроси бўйича танлов ўтказилди. Бундай тадбирлар ёшларнинг Абай ҳаёти ва ижоди ҳақидаги билимларини бойитиб қолмай, уларда зиёли, маърифатли инсон бўлишга интилишни, инсонпарварлик, мардлик ва олижаноблик туйғуларини тарбиялашга хизмат қилади. Зеро, оқиннинг илгари сурган эзгу ғоялари, фикр ва мулоҳазалари абадиётга дахлдор. Шоир ўзи айтганидек, "юрғида ўти бор, тили ширин авлоднинг" дилида ва тилида ашайди.

Мавлон КАМОЛОВ, Жиззах вилояти, Дўстлик тумани халқ таълими бўлими mudiri.



Тақдимот

Нозик туйғулар куйчиси

Лёся Украинка — украин халқининг классик шоираси. Унинг шеърлари жаҳон миқёсида севиб ўқилади. Негизи, ижодкор қаламидан тўкилган самимий сатрларда меҳр-муҳаббат, виждон ва адолат каби умуминсоний туйғулар юксак тараннум этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Украинанинг маиллатимиздаги элчионаси томонидан шоиранинг "Марварид ёшлар"

номли китоби тақдимотга бағишлаб ўтказилган тадбирда шулар хусусида сўз юритилди. "Марварид ёшлар"да шоиранинг энг сара шеърлари ва драмалари ўрин олган. Улардаги "Пирпиради осмонда юлдуз, Атроф улаб... гўсса юмди кўз", "Дона-дона япроқларин, Кўз ёшидек тўқди гул", "Тўлқин урар кўнгида исён, Уйғон, сени иш кутар, уйғон!" каби мисраларни мутлола қилган ҳар бир ўқувчи нозик қалб соҳибсининг нафис ҳисларини, украин халқининг орзу-армонларини юрагидан ўтказди. Ижодкорнинг ҳақиқий ютуғи ҳам шу аслида.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги савдо-технологик ва музлатиш жиҳозларини етказиб бериш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

- «КП-130» русумли дала ошқоналари — 10 дона;
- 10 кг.гача тортадиган электрон тарозилар — 20 дона;
- 600 кг.гача тортадиган электрон тарозилар — 20 дона;
- маиший музлаткичлар — 20 дона;
- овқат пиширадиган 100 литр сифимли электр қозонлари — 10 дона;
- овқат пиширадиган 160 литр сифимли электр қозонлари — 10 дона;
- овқат пиширадиган 250 литр сифимли электр қозонлари — 10 дона;
- 4 конфоркали плита духовкаси билан — 10 дона;
- «СЭСМ-0,2» русумли электр това — 6 дона;
- «СЭСМ-0,48» русумли электр това — 7 дона.

Тўлов шартлари: 15 фоизи — олдиндан тўлов, қолган 85 фоизи — етказиб берилганидан сўнг. Етказиб бериш шартлари — бюротмачининг оморига. Танлов савдолари қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади. Батафсил маълумот олиш учун юқорида кўрсатилган манзил бўйича соат 9.00 дан 18.00 гача мурожаат этиши мумкин.

Телефонлар: (0-371) 255-75-12, 255-83-00 (навбатчи), 281-43-71.

«REPUBLIKA MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Усанотқурилишбанк» АТБ Тошкент шаҳар минтақавий Амалиёт бўлимига қарашли, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шохкўчаси, 5-уй, «Усанотқурилишбанк» АТБ Тошкент шаҳар минтақавий Амалиёт бўлимида сақланаётган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/752 JFA бўлган, «Nexia ДОНС» русумли автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 48 245 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 31 июль кuni соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати — 2018 йил 27 июль кuni соат 18.00.

Мазкур автотранспорт воситаси 2018 йил 31 июль кuni сотилмай қолган тақдирда унинг такрорий савдолари 2018 йил 8, 15, 22 август кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишининг охири мuddати: 2018 йил 8 августдаги савдо учун — 6 август, 15 августдаги савдо учун — 13 август, 22 августдаги савдо учун — 20 август кuni соат 18.00.

Аукцион савдоси қолиби, деб топилган шахсга 10 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Republika mulk markazi» МЧЖнинг «Давр банк» ХАТБ Олмасор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МФО: 01121, СТИР: 200933850.

Гувоҳнома № 001805.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

Хорижлик сайёҳ ҳайрати

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Улар уста-шоғирдлар томонидан шу ернинг ўзида тайёрланмоқда. Бу жараённи кўришининг ўзи сайёҳларда унутилмас таассурот қолдирапти.

— Яқинда яна бир йўналиш — кўзгарликни ҳам йўлга қўйдик, — дейди "Кулол устозда" оилавий корхонаси раҳбари Олимжон Нарзуллаев. — Президентимизнинг "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони биз учун янги имкониятлар эшигини очди. Ҳозир ўн нафар шоғирдимиз бор. Шу ерда кулолчилик сир-асрорларини ўрганиб, мустақил тарзда фаолият кўрсатаётганлар ҳам оз эмас.

— Чиндан ҳам, хунармандларнинг ишлайдиган даври келди, — дея сўзбатга қўшилади Алишер Нарзуллаев.



— Халқ амалий санъати эъзозланмоқда. Маҳсулотларимиз халқаро кўргазмаларда намойиш этиляпти. Мехнатимиз қадр топмоқда. Имтиёзлар берилляпти. Мана, ушбу Фармонни олиб кўринг. Унга кўра, "Хунарманд" уюшмаси аъзолари маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишда қатъий белгиланган солиқдан озод қилинди. Жойларда музей-устахоналар, "Устоз — шоғирд" мактаблари, хунармандчиликни ривожлантириш бўйича ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланди. Халқ амалий санъатининг 34 та асосий йўналиши бўйича имтиёзли микрокредитлар берилляганини айтмай-сизми? "Хунарманд" уюшмаси аъзолари сафи ҳам кенгаймоқда. Ҳозир вилоятда улар сони 1200 нафарга яқин. Бундан бир неча йил аввал "Ғиждувон халқ амалий санъати маркази"ни ташкил этган эдик. Бу ерда каштачилик, зардўзликни ҳам йўлга қўйганмиз. Миллий бош кийимлар тайёрлаш устахонаси ишлаб турибди. Кулолчилик эса бизга отамерос хунар. Унинг кўзагар, косагар, қошинпаз сингари жами олтига йўналишида ишляпмиз. Ғиждувон кулолчилигининг қадимий, шунингдек, замонавий услублари асосида 80 дан зиёд турдаги маҳсулотларни тайёрляпмиз. Уларни кузатганингиздек, хорижий сайёҳлар катта қизиқиш билан харид қилмоқда. Устанинг айтганича бор. Бертольд Хейнке ҳам нақшинкор сопол лаганлардан бирини танлади. Бу буюм унга мафтункор Ўзбекистонни, меҳмондўст халқимизни эслатиб туради. Зеро, ҳаёт хотиралар билан янада завқлидир.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ПРОФНАСТИЛ

Ишлаб чиқарувчи қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ВА ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-18, С-35

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.

Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

- 0,4 мм. — 38 000 сўм/п.м.
- 0,45 мм. — 42 500 сўм/п.м.
- 0,7 мм. — 65 500 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

- RAL 3005 0,45 мм. — 48 600 сўм/п.м.
- RAL 6005 0,45 мм. — 48 600 сўм/п.м.
- RAL 3005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м.
- RAL 6005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м.

Қўшимча маълумот олиш учун телефонлар: (+99890) 996-96-63, (+99899) 871-88-99.

ASAKA BANK

«Асака» банки

ISO 9001:2015 стандарти бўйича мувофиқлик сертификатини олиш мақсадида ушбу хизматни тақдим этувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган ташкилотлар 2018 йил 27 июлгача «Асака» банкига (100015, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 67-уй) қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;
- Ўзбекистонда менежмент тизимини ISO 9001:2015 стандартига мувофиқ сифат сертификатция қилиш бўйича иш тажрибаси ҳақида маълумот (қамида 5 йиллик тажрибага эга бўлиши лозим);
- хизматни амалга ошириш мuddати ва унинг нархи кўрсатилган тижорат таклифи;
- аудиторларнинг (ҳодимларнинг) рўйхати, халқаро сертификатларнинг мавжудлиги, иш фаолияти ва улар иштирок этган лойиҳалар тўғрисида маълумот.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 120-39-88, 120-39-43. E-mail: strateg@asakabank.uz www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюрогма Г — 745, 78 621 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезитимиз ҳақидаги маълумотларни юқуридаги телефоннинг орқали сизга қилиб.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Тахририятга келган қўбизмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезитнинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштиради ташкилот жавобгар.

Гезит тахририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Гезитнинг полиграфик жихатда сифати чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсум. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

- МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
- Навбатчи муҳаррир — 3. Худойшукуров.
- Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
- Мусаххач — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.55 Топширилди — 23.20 3 4 5 6